

Тошкент давлат юридик институти
“Жиноят-процессуал ҳуқуқи”
кафедраси

КУРС ИШИ

**Мавзу: Жиноят процессида судловга тегишлиликнинг
турлари**

Бажарди: 3-ҳуқуқ “3-курс “Б”
поток 1-гуруҳ талабаси
Қурбонбоев Д.

Тошкент 2011

Р Е Ж А :

КИРИШ

АСОССИЙ ҚИСМ

1. Процессуал муддатлар тушунчаси ва аҳамияти
2. Процессуал муддатларни таснифлаш
 - 2.1. Ишни судга қадар юритиш босқичида амал қиладиган муддатлар
 - 2.2. Суд жараёнида амал қиладиган муддатлар
 - 2.3. Ижро босқичида амал қилинадиган муддатлар

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, ислохотлар жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Жиноят судлов иш юритувининг қонуний амалга оширилиши унга қўйилган муддатлар билан тартибга солинади.

Асосий вазифалардан бири судгача ва суддан кейинги жиноят процессининг босқичларида суд назоратини кучайтириш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун ҳамда тергов ҳаракатларига санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маъсулиятини кучайтириш ҳамда уларнинг профессионал бурчини ҳалол ва сидқидилдан бажаришларини суд назорати орқали таъминлаш чораларини қўришдан иборат.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафаатларини янада тўлароқ тартибга солиш мақсадида жиноят-процессуал қонуни ҳар бир процессуал ҳатти-ҳаракатни муайян муддатлар билан тартибга солган ҳамда уларни шу муддатлар билан чегаралаб қўйган. Қонун томонидан белгиланган ушбу муддатларнинг қатъий белгиланиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафаатларини таъминланишини гарови бўлиб ҳисобланади. Бироқ, жиноят-процессуал қонунчилиги томонидан суд, прокуратура, тергов, суриштирув органларининг фаолиятини ҳаддан зиёд муддатлар билан чегаралаб қўйилиши, уларнинг жиноят процессидаги функцияларини аниқ ифода этишга йўл қўймайди. (масалан: дастлабки тергов муддатининг қисқартирилиши айрим жиноят ишларининг тўла очилишига тўсик бўлиши мумкин.)

Жиноят процессида процессуал муддатларнинг аҳамияти каттадир. Улар авваламбор, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя

қилишга қаратилган, лекин асосий мақсад жиноят судлов иш юритувининг самарасини оширишга хизмат килмоғи лозим. Чунки жиноят судлов иш юритувининг самарали олиб борилиши фукароларнинг ҳукуқ ва қонуний мафаатларини таъминланишига шароит яратади.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. Процессуал муддатлар тушунчаси

«Муддат» бу- вақтнинг аниқ бирор иш, нарса учун белгиланган бўлагидир¹. ЖПКда муайян процессуал ҳаракатлар содир этилиши керак ёки уларни бажариш ман этилган вақт оралиғи процессуал муддат, дейилади.

Процессуал муддатлар ЖПКда белгиланганлиги учун ҳам улар ҳуқуқ меъёрлари ҳисобланади ҳамда мажбурлаш хусусиятга эга. Бу шунинг билан, агар процесснинг бир иштирокчиси жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган мазкур вақт оралиғида қандайдир ҳаракатни амалга ошириши мумкин ёки шарт бўлса, бошқа субъект бу ҳаракатни амалга ошириш учун имкониятлар яратишга, унинг амалга оширилишига тўсқинлик қилмасликка ёки қандайдир ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиб туришга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлигини эътироф этади. Асосий қомусимизнинг муқаддимасида: "инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб Конституцияни қабул қилади",- дейилган. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг бунда ўрни беқиёс ҳисобланади, чунки инсон ҳуқуқлари нафақат тўғри ҳаёт кечириш вақтида амал қилади, балки шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганда ҳам, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни тақозо этади. Бунда Конституциямиз ҳам жабрланувчига ҳам айбланувчи шахсга тенг эътибор беради.

Бундан ташқари, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси ўзининг асосий вазифалари қилиб:

-тез ва тўла очишдан

-жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши

-айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм

¹Ўзбек тилининг изоҳи луғати (80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси) / Ж.5. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. - 626 б.

қилинмаслиги учун айбланувчиларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир дея таъкидланган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддаси).

Бу билан қонун чиқарувчи бир тарафдан жабрланувчига имкони борича бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳаракат қилса, иккинчи тарафдан айбсиз бўлган шахсларнинг айбланувчи деб топилмаслигига ҳаракат қилади.

Иккала мақсадга эришиш учун қонун чиқарувчи жиноят суд иш юритувида бир қатор кафолатларни белгилаб берган, шундай кафолатлардан бири - бу процессуал муддатлар ҳисобланади. Айнан процессуал муддатларнинг қатъий амал қилиши инсон ҳуқуқларини таъминланишини гаровидан биттаси ҳисобланади. Бу ҳақда ҳаттоки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумларида бир неча марта такрорлаган.

Юридик адабиётларда ҳам процессуал муддатлар ҳақида кўп гапирилган. Масалан, А. Галкин шундай дейди, - суд иш юритувида ҳеч қандай асоссиз тўхталишларга йўл қўйилиши мумкин эмас, қайси инсон ҳуқуқларини иложи борича таъминлашга ҳаракат қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКсига биноан судгача бўлган босқичларда қуйидаги инсон ҳуқуқларини таъминловчи босқичлар кўрсатилган:

-жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 329-моддаси),

¹ Галкин А., Богаткрев Н. Судебный контроль за сроками рассмотрения дел // Российская юстиция. 2000 №7 б. 41

-жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 341-моддаси),

-гумон қилинувчи талаб қилишга ҳақли, ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 48-моддаси),

-суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамокда сақдаб туриш ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чораси қўлаганида бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда - қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 217-модда 1-қисм),

-ушлаб турилган, қамокда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, юқорида кўрсатилган муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 217-модда 2-қисм),

-ушлаб туриш ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 226-модда 1 -қисм),

-терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирик саккиз сатга узайтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 226-модда 1-қисм),

-алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига. ниисбатан суд томонидан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 226-модда 3-қисм),

-эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки шўғартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайтдан эътиборан уч сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз кароридан хабардор қилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 241-модда 1-қисм),

-дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича сулнинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 241-модда 2-қисм),

-шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 241-модда 2-қисм),

-прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимосномани кўзгатиш тўғрисида қарор ва зарур материалларни судга юборди. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи нисбатан кўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 243-модда 4-қисм),

-қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 243-модда 1-қисм),

-жиноят иши тергов қилинаётган вақтда қамокда сақлаб туриш муддати кўри билан уч ойни ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 1-қисм),

-қамокда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатни 5 ойгача Қорақрлпағистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳат прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосига биноан узайтирилиши суд томонидан кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 2-қисм 1 банд),

-қамокда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатни 7 ойгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг илтимосига биноан узайтирилиши суд томонидан кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 2-қисм 2 банд),

-қамокда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатни 9 ойгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосига биноан узайтирилиши суд томонидан кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 2-қисм 3 банд),

-бир йилгача - алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноят содир этганликда айбланётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг илтимосномасига биноан узайтирилиш имкони суд томонидан кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 2-қисм 4 банд),

-тергов тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қамокда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олидан тақдим этилиши лозим (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 245-моддаси 3-қисм),

-айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокқа олиш тарзида эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, жиноят

ишини қўшимча терговга кайтарган суд томонидан қамоқда сақлаб туриш муддати бир ойга узайтирилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 246-модда),

-айбланувчини қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олидан тегишли прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 247-модда),

-қамоқда сақлаб уриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 247-моддаси 4-қисм),

-судьянинг қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши керак (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 247-моддаси 8-қисм),

-судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган койдага биноан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 247-моддаси 8-қисм),

-дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши л озим (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда),

-ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-

модда),

-кейинчалик дастлабки тергов муддати факат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан етти ойгача узайтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда),

-дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда),

-алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда),

-тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда),

-суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун кайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргизаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 351-модда) ва бошқалар киради.

Шу киска жиноят-процессуал муддатлар, крнунда белгиланган, инсон ҳуқуқларини таъминлашда қанчалик аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Суд иш юритиш назарияси муддатларни икки гуруҳга бўлади:

1. иш юритуви билан боғлиқ бўлган (жиноят процесси органларнинг ички фаолиятини тартибга солувчи),
2. процессуал (инсон ҳуқуқларини таъминловчи)¹

В. Т Томиннинг фикрига кўра, - терговчи томонидан ишни тергов килиш жараёнида, чақирув қоғози, топшириқ билан белгиланган тергов

¹ Смирнов А.В. Калиновский К.Б. Уголовный процесс. С.Петербург, 2004. б. 293.

ҳаракатлари муддатлари аслида процессуал муддат ҳисобланмайди. Улар фақат ташкилий масалаларни ҳал этади. Процессуал муддатлар деб эса, фақатгина ҳуқуқий хусусият касб этганлари тан олинishi мумкин.¹

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишадикки, " процессуал муддатлар бу биринчи ўринда ташкилий восита, қайси жиноят суд иш юритувининг жадаллилигини амалаг ошириш билан одил судловликнинг вазифаларини таъминлаш учун хизмат қилади. Бу муддатларнинг энг яхши кўрсаткичи бу шундай жадаллиликни ушлаб турилиши, қайсинда тезлик процесснинг сифатига таъсир этмасдан, сифат эса тезликка зарар етказмайди"² Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина муддатлар серқирра хусусиятларга эга. Масалан, суд иш юритувини самарадорлигини оширишга қаратилган муддатларни фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминланиши кафолатлари сифатида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муддатларни суд иш юритувини самарадорлигини оширишга қаратилган деб ҳисобласа бўлади.

Процессуал муддатларнинг мазмунини процессуал ҳуқуқ нормалари томонидан ўрнатилагн вақт оралиқлари киради, қайсинда процесс субъектлари ўз ҳақ ҳуқуқларини амалга оширади.

Процессуал муддат кўпинча муайян ҳаракат ёки фаолият билан боғлиқ бўлади. Бу шу билан изоҳданадики, жиноят процессида муддатлар процессуал муносабатларни тартибга солувчи сифатида қўлланилади, қайсики унда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларидан иборат бўлади. Шунинг учун кўпинча муддатларга риоя қилиш, кўпинча қонунинг ўзида муайян ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ.

Исталаган ҳуқуқий норманинг мазмуни қайси мақсад учун ўрнатилган бўлса, шунга йўналтирилган бўлади. Процессуал муддатга риоя этилишини

¹ Томин В.Т. Якупов Р.Х. Дунин В.А, Процессуальные документы, сроки и судебные издержки в уголовном судопроизводстве. Омск, 1973. б. 19,20

² Якупов Р.Х. Процессуальные сроки в советском уголовном судопроизводстве (в стадиях возбуждения уголовного дела и предварительного расследования). Автореф.. дисс... канд.. юрид.. наук. М., 1972. б. 6.

қонун томонидан талаб этилиши, у ёки бу ҳаракатни ўз вақтида бажарилишини талаб этилиши билан боғлиқ.

Процессуал муддатнинг ўрнатилишини мазмунан кўпмаъноли ва умумий ҳисоланади, процессуал муддатларнинг мағзи шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари орқали кўрилганда янада аниқроқ намоён бўлади.

Процессуал муддатлар жиноят процессида ҳуқуқий воситаларнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Улар ҳар бир иш юзасидан тўғри юритилишини таъминлаш усули ҳисобланиб, процессуал кафолатларнинг биридир. Масалан, баъзи процессуалчилар, жиноят процессидаги муддатлар юзасида масалар ҳақида гапирганда, мазмунан уларни процессуал кафолат сифатида тан оладилар.

Л. М. Мариупольский, мисол учун, қайд этган, "Процессуал муддатларнинг чегараланганлиги, қайсининг доирасида дастлабки тергов олиб борилади, ҳуқуқий кафолатлардан бири ҳисобланади, жабрланувчи ҳамда айбланувчига уларнинг фуқаровий ҳуқуқларини чекланишини олдини олади"¹.

А.П. Гуляев бўлса, "жинойт процессуал муддатлар - бу процессуал кафолатларнинг бир тури, у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга оширилиш вақтини тартибга солади"².

Бундан келиб чиқадики, "процессуал муддатлар - бу қонун томонидан ўрнатилаган, у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ажратилган вақт"³

Юқридагиларни хулоса қилиб айтадиган бўлсак, процессуал муддатлар -бу жиноят процессуал қонунчилиги томонидан ўрнатилган вақт ҳисобланади, қайсининг доирасида жиноят процесси субъектлари муайян ҳаракатларни, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши ҳамда бундай ҳаракатларни содир этишдан ўзларини тийиш учун берилган.

¹ Мариупольский Л. М. Настольная книга следователя. - М., 1949. С. 110.

² Гуляев А.П. Процессуальные сроки в советском уголовном процессе. - М., 1976. 6. 10

³ Российская юридическая энциклопедия. М., 1999 6. 929

2. Процессуал муддатларни таснифлаш

Ҳозирги кунда процессуал муддатларни таснифланишига оид олимлар орасида келишув йўқ. Улардан бир гуруҳи муддатларни бўлишда соатларни ҳисобга олишади, бошқа бир гуруҳ олимлар эса кунларни инобатга олади.

Ҳозирги кунларда процессуал муддатларнинг энг кенг тарқалган таснифланиш тури бўлиб, А. П. Гуляев¹ томонидан қуйидаги асосларга кўра бўлинган.

Масалан, бевосита йўналтирилганлигига караб процессуал муддатлар иккига булинади²:

1. Суд иш юритувини тездигини кафолати сифатида.

2. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлари сифатидаги муддатлар.

Процессуал муддатларнинг биринчи шаклига, яъни суд иш юритувинининг тезлигини кафолатловчига жиноят ишини қўғатиш, топширикни бажариш, суриштирув ва дастлабки терговни олиб боришга оид муддатлар киради.

Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатловчи муддатларга ушлаб туриш, қамокқа олиш, сўроқ қилиш, шикоятларни кўриб чиқишга кетадиганлари киради.

Бундай процессуал муддатлар муқобил (жиноят ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун 3-10 сутка) ҳамда шартли муддатлар бўлиши мумкин, яъни улар қатъий бўлмасдан баъзи ҳолларда қонунда белгиланган ҳолларда чўзилиши мумкин (масалан, дастлабки тергов, қамокда сақлаш муддатлари).

Регламентация қилиш услубига кўра муддатлар икки катта гуруҳга бўлинади:

¹ Гуляев А. П., Процессуальные сроки в стадиях возбуждения уголовно дела и предварительного расследования. – М. 1976. б. 10; Гуляев А. П., Процессуальные сроки как средство обеспечения быстрого расследования и охраны прав его участников. Волгоград, 1976. б. 32.

² Гуляев А.П Указ..соч. б 10

1. тез (момент) -муддатлар,
2. даврий-муддатлар¹.

Момент муддатлар суд иш юритувини ҳамда процесснинг муайян иштирокчиларини ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида муайян процессуал ҳаракатларнинг иложи борича тезроқ амалага оширилиши ёки бир қатор ҳаракатларни узлуксизлигини, кетма-кетлигини таъминлаш учун олдиндан ўрнатилган.

Даврий-муддатлар ишнинг ҳолатини ёки тайёргарлик ҳаракатларини ҳисоблаш учун процесснинг баъзи иштирокчилари томонидан у ёки бу процессуал ҳаракатни амалга ошириш учун мустақил муддатни танлаш имконияти берилган ҳолларда ўрнатлади. Бу муддатни регламентация қилишда талаб қилинган ёки рухсат берилган ҳаракатлар бошида, ўртасида ёки охиридасодир этилиш мумкин, лекин шуни эътиборга олган бўлиши кераки, яъни унинг бажарилиш вақти (ҳуқуқий муносабатнинг динамик ҳолатида) шу муддат билан қамраб олиниши керак. Урнатилган муддатлар оралигида тегишли ҳуқуқ ёки мажбурият амалга ошиши керак.

Белгиланишига кўра, юқоридаги олимлар муддатларни:

1. қонунда белгиланган
2. суднинг (судья) ажримиға, прокурор, терговчи, тергов бўлимининг бошлиғи, суриштирув органларининг қарорлари билан белгиланганларга бўлинади.

Биринчиси умуммажбурий ҳисобланиб, шундай турдаги барча муносабатларга, иккинчи бўлса, фақатгина шу ҳуқуқий муносабат учун тааллуқди, ҳисобланади. Муддат, ҳуқуқий нормани, унинг диспозициясида кўрсатилган, амалга оширилиши бир қатор норматив актлар билан белгиланиши мумкин (чақирув қоғозида, терговчининг суриштирув органига бўлган ёзма топшириқларида, терговчининг қарорига прокурорнинг резолюцияларида ва бошқаларда). Агар муддат ҳуқуқий норманинг

¹ Якупов Р.Х.Кўрсатилган асар. Б. 6

санкциясини тадбиқ қилиш мақсадида амалга оширилса, бундай қарор суриштирув ва дастлабки тергов вақтида дастлабки тергов қарор билан расмийлаштирилиши мумкин.

Мақсадига кўра муддатларни муайян ҳаракатларини амалга оширишга ёки улардан сақланишга қаратилганларга бўлиниши мумкин.

Давомийликни аниқлаш юзасидан муддатлар муайян давомли - соат, кун ойлар, йиллар билан ҳисобланадиган ҳамда муайян давомсиз(чекланмаган муддатлар). Баъзи муддатлар амалиётда қўлланадиган ўхшаш вақтда тугамайди. Улар махсус қоидаларга кўра аниқланади.

Ҳисобланиш услубига кўра муддатлар соатлар, суткалар ҳамда ойлар билан ҳисобланувчиларга бўлинади. Ҳисоблаш услубининг катталигига қараб турил хил қоидалар қўлланади, қайси муддатнинг бошланғич ва охириги вақтини аниқлайди.

Процессуал муддат соат, сутка, ойлар билан ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 318-моддаси). Муддатни "ҳисоблаш"деганда секунд, минут, соат, сутка ва бошқаларнинг кетма-кет алмашиши назарда тутилади, яъни вақтнинг ўзига хос объектив хусусияти, процесс инсонга хос баҳолаш мезонидар. Фақатгина амалдаги муддат ҳисобланиши мумкин. Агар муддат бўлмаса, унда ҳисоблайдиган нарсанинг ўзи бўлмайди.

Ҳисоблашда муддат бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди. Агар муддат соатлар билан ҳисобланадиган бўлса, унда бошланган соат ҳисобга олинмайди. Муддатнинг бошланиш вақти одатда Кодекснинг ўзида кўрсатилган бўлади. Бироқ мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган муддатларда бунарсда кўрсатилмаган. Бунда муддатнинг бошланиш вақти деб, у ёки бу процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши ёки ходисанинг бошланишига боғлиқ бўлади, қайси ўз навбатида процессуал мажбуриятларни вужудга келтиради.

Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий

муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар билан ҳисобланганда муддат охиригى суткада соат 24-00 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охиригى ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнгги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди, ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 318-моддаси)

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя этилган деб ҳисобланади. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса, қамокда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги шахслар учун эса, дастлабки қамок ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 319-моддаси).

Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тикланиши лозим. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад этилиши устидан умумий тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 321-моддаси).

Ҳуқуқий оқибатнинг келиб чиқишига кўра муддатларни ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган ҳамда мажбуриятларни бажарилишига

қаратилаган муддатларга бўлиш мумкин.

Профессор З.Ф. Иноғомжонова муддатлар тўғрисида кўп ижобий фактларни келтириб ўтганлар: унга кура процессуал муддатлар муайян таснифлашга муҳтождир.

Муддатларни ифода этиш аниқлиги даражасига кура уч хил жиноят процессуал меъёрлар фаркланади:

1) жиноят процессуал ҳаракатни зудлик билан амалга оширишни назарда тутадиган қонун меъёрлари (масалан, ЖПКнинг 321-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини кўзғатиши шарт);

2) муайян аниқ муддатлар белгиладиган қонун меъёрлари (масалан, ЖПКнинг 475-моддасида айтилганки, ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва окланган шахсга берилиши лозим.

Бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилади);

3) муайян муддатларни белгиладиган, лекин маълум ҳаракатлар умумий муддатлар давомида содир этилишига рухсат берадиган қонун меъёрлари. Масалан, ЖПКнинг 333-моддасида назарда тутиладики, 83-модданинг 1 ва 2- бандларида ҳамда 84-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Бу ҳақда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Аммо қайси муддатда шикоят

қилиниши мумкинлиги ҳақида айтилмаган.

Таъкидлаганимиздек, процессуал муддатлар жиноят процессуал кафолатлар турларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан барча муддатларни қўйидаги гуруҳдар сифатида ҳам таснифлаш мумкин:

- жиноятларнинг дастлабки тергови ва суд муҳокамасининг тезлигини кафолатлайдиган муддатлар: аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қўриб чиқиш тартиби (ЖПКнинг 329-м.), суриштирув юритилишининг муддати (ЖПКнинг 341-м.), дастлабки тергов (ЖПКнинг 351-м.), терговчининг топшириғини бажариш (ЖПКнинг 347-м.), жиноят ишини прокурорга юбориш (ЖПКнинг 381-м.), прокурор ваколатлари (ЖПКнинг 382-м.), айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори (ЖПКнинг 385-м.), жиноят ишининг судловга тегишлилигига қўра ўтказилиши (ЖПКнинг 393-м.), жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш тартиби (ЖПКнинг 395-м.), ҳукм қилинган ва окланган шахсга ҳукм нусхасини топшириш (ЖПКнинг 475-м.), ҳукм устидан шикоят бериш ва протест келтириш муддати (ЖПКнинг 500-м.), суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта қўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат (ЖПКнинг 513-м.), назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосномаларни қўриб чиқиш муддатлари (ЖПКнинг 514-м.) ва бошқалар;

- процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлайдиган муддатлар: гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш муддати (ЖПКнинг 110-м.), ушлаб туриш муддати (ЖПКнинг 226-м.), қамоққа олиш (ЖПКнинг 242-м.), қамоқда сақлаб туриш муддати (ЖПКнинг 245-м.), жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш (ЖПКнинг 246-м.), тиббий муассасада сақлаш муддати (ЖПКнинг 268-м.), мулкӣ зиённи қоплаш учун пул товони тўлашни талаб қилиш муддатлари (ЖПКнинг 312-м.) ва бошқалар;

- дастлабки тергов ва судда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг амалга оширилишини кафолатлайдиган муддатлар:

мурдани ексгуматсия қилиш асослари (ЖПКнинг 148-м.), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПКнинг 166-м.), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни ешитиб туриш тартиби (ЖПКнинг 170-м.), прокурорнинг процессуал мажбурлов чоралари қўлланиши тўғрисидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги (ЖПКнинг 219-м.), эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тартиби (ЖПКнинг 243-м.), қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби (ЖПКнинг 247-м.), айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (ЖПКнинг 256-м.), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (ЖПКнинг 266-м.), жиноят ишини кўзғатиш тартиби (ЖПКнинг 331-м.), жиноят ишини иш кўзғатилганидан кейин юбориш (ЖПКнинг 336-м.), жиноят ишини кўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати (ЖПКнинг 337-м.), жиноят ишини бошқаларга ўтказиш (ЖПКнинг 348-м.), дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби (ЖПКнинг 364-м.), тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш (ЖПКнинг 371-м.), жиноят ишининг прокурорга юборилиши (ЖПКнинг 381-м.), айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори (ЖПКнинг 385-м.), жиноят ишини судга юбориш (ЖПКнинг 388-м.) ва бошқалар.

Келтирилган тасниф шартли бўлишига қарамай, билиш хусусиятига эга ҳамда шу билан бирга процессуал муддатлар моҳиятини тўлароқ акс еттиради.

Амалдаги ЖПК томонидан белгиланган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг қарори билан тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат ва сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам еътиборга олинади. Муддат суткалар билан ҳисобланганда муддат охирги суткада соат 24.00 да тугайди. Тегисли хатти-ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларнинг иш вақти тамом бўлиши билан тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охирги ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келадиган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегисли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнгги суткасида тамом бўлади.

Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш куни, байрам куни) тўғри келса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг охирги куни деб ҳисобланади, ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Шахсни ушлаб туриш, қамокда сақдаш ва тиббий муассасага жойлаштиришда муддат ушбу чоралар амалда қўлланилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатлари тугаганидан кейин шахе дарҳол озод етилиши лозим.

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя етилган деб ҳисобланади.

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса, қамокда сақланаётган ёки тиббий муассасадаги шахслар учун эса дастлабки қамок ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди.

Процессуал муддатларнинг мавжудлиги барча процесс иштирокчиларини интизомга чақиради, уларни ўз вақтида муайян ҳаракатларни амалга оширишга мажбур етади. Муддатларни бузиш уларга риоя этишга мажбур бўлган шахслар учун тегисли оқибатларга олиб келишга сабаб бўлиши мумкин.

Процессуал муддатларга риоя этиш дастлабки тергов ва судда

қонунийликка риоя этиш кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Прокурор назорати ҳам уларга риоя этишга қаратилгандир. Улар фақат ЖПКда назарда тутилган ҳоллардагина узайтирилиши мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан муайян ҳаракатни бажариш учун белгиланган муддат манфаатдор процесс иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгилаган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Айрим ҳолларда узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тикланиши керак. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қдноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад етилиши устидан умумий тартибда шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилгандан сўнг шикоят қилинганда ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин (ЖПКнинг 317-м.). Аммо айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд кўшимча терговга қайтарган, ишнинг ҳолатига кўра эса, қамоқда сақлаб туриш тариқасидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини иш унга келиб тушган пайдан бошлаб бир ойгача узайтириши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунга қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда умумий тартибда амалга оширилади.¹

¹ Жиноят процесси (Умумий қисм) 3 Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: Янги аср авлоди

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процесси фанида муддатлар масласи муҳам аҳимият касб этадиган мавзулардан биридир. Лекин жиноят-процессуал қонунда унга таърифнинг берилмаганлиги айрим ҳолларда тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Шунинг ва юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1) ЖПКда “Муддат бу процессуал ҳодасилар оралиғидаги вақт”, мазмунидаги таъриф берилиши керак.

2) Процессуал муддатлар - бу жиноят процессуал қонунчилиги томонидан ўрнатилган вақт ҳисобланади, қайсининг доирасида жиноят процесси субъектлари муайян ҳаракатларни, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши ҳамда бундай ҳаракатларни содир этишдан ўзларини тийиш учун берилган.

3) Муддатлар 1) ишни судга қадар юритиш босқичида амал қиладиган ва 2) суд жараёнида амал қиладиган 3) Ижро босқичида амал қилинадиган турларга бўлинади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ, керак. Т. 10. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - 432 б.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.П. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 320 б.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ,. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. - 43 б.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 64 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ. этишдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 96 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Халқ сўзи. -2007 йил 31 август.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекситон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон. 2009. – 56 б.
9. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

II. Қонун ва норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (УзР 24.04,2003 й. гача
2. бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) - Т.: Ўзбекистон, 2003
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси (2004 йил 29 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрирда). -Т.: Адолат, 2001.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).- Т.; 2002.

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Жиноят процесси (Умумий қисм) / Г.П. Саркисянц, Е.Н. Никифорова ва б.; З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: Янги аср авлоди 2002. - 384 бет.
2. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 596 бет.

3. Жиноят процесси: (Махсус қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 382 бет.
4. Безлепкин Б.Т. Уголовный процесс России. Общая часть и досудебные стадии: Курс лекций. -М, 1998.
5. Белозеров Ю.Н., Марфицин Г.П. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела. — М., 1994.
6. Гаврилов Б.Я. Обеспечение конституционных прав и свобод человека и гражданина в досудебном производстве. - М., 2003.
7. Гуляев А.П. Процессуальные сроки в стадиях возбуждения уголовного дела и предварительного расследования. - М., 1976.
8. Гуляев А.П. Процессуальные сроки как средство обеспечения быстроты расследования и охраны прав его участников. - Волгоград, 1976.
9. Комментарий к УПК РФ. / Под ред. Петухова Н.А., Загорского Г.И. - М., 2002.
10. Кондратов П.Е. Приостановление и возобновление предварительного следствия. // Учебник под ред. В.П. Божьева. - М., 2002.
11. Корнуков В.М., Лазарев В.А., Холоденко В.Д. Возбуждение уголовного дела в системе уголовно-процессуальной деятельности. - Саратов, 2002.
12. Ленский А.В. Виды досудебных производств в современном уголовном процессе России // Проблемы обеспечения законности и борьба с преступностью. - М., 1997.
13. Ленский А.В., Романов А.А. Деятельность органов дознания в системе МВД по возбуждению и расследованию уголовных дел. - Томск, 2000.
14. Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировой криминологический анализ. -М, 1999. с. 596
15. Майорова Л.В. Проблемы предварительного следствия // Проблемы обеспечения законности и борьба с преступностью. - М.; Кемерово. 1997.
16. Сердюков П.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела. Иркутск, 1981.
17. Смирнов А.Б., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. — СПб., 2004. процессе. - М., 1998.